## СЎНГГИ СОАТДА

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 23 февралда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди. Сотув ҳажми 14,37 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,90 сўм даражасида қайд этилди.

***

• ***Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида «Икки буюк тақдир: Амир Темур ва Бобур Мирзо» мавзуида маърифий кеча ўтказилди. Унда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ҳамда чет эллик меҳмонлар қатнашди.***

***Кечада тарихчи олимлар ва ёзувчиларнинг буюк соҳибқирон Амир Темур ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маърузалари тингланди. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари ўз изланишлари хусусида сўзлаб бердилар. Пировардида драматик асарлардан парчалар, санъат усталари концерти намойиш этилди.***

***

• Самарқанд давлат чет тиллар институтида истеъдодли мўйқалам соҳиби Аслиддин Исаев асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Муаллифнинг «Тўй», «Сумалак», «Замон», «Регистон», «Намозшом» каби асарлари АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Монголия, Тунис каби мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилиб, мухлислар эътиборини қозонган.

### ЖАҲОНДА

• ***Ингушетия ва Чеченистонда 23 февраль миллий мотам куни, деб эълон қилинди. Чунки, бундан ярим аср муқаддам, 1944 йил 23 февраль куни Сталиннинг фармонига биноан ўн минглаб ингуш ва чеченлар Ғарбий Сибирь, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларига мажбуран кўчирилган эди.***

***

• Филиппиннинг Багио шаҳрида қўпорувчиликка қарши курашиш масалалари бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Германия, Англия каби дунёнинг 18 мамлакатидан вакиллар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари қўпорувчиликнинг кенгайишига қарши биргаликда кескин чоралар кўриш лозим эканини алоҳида таъкидладилар.

***

***Япония Бош вазири Рюторо Хасимото Калифорния штатида АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди.***

***Учрашув чоғида, асосан, халқаро сиёсий муаммолар, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ва Осиё-Тинч уммони минтақасида хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.***

***Сиёсатшунослар бу учрашув Клинтон ва Хасимотонинг ўзаро яқиндан танишувига имкон яратганини таъкидлашмоқда.***

## ТАРИХ — САБОҚ

***Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир! Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, ўғузларнинг оилаларининг шонли болалари! Қани учиклигинг, юксак ўринларинг? Қуллик чуқурларига недан тушдинг!***

***

***Овруполиклар ўзларидан келажак учун ёдгорлик қолдирадилар, ҳар кун яхшилик учун бир сарой қурадилар, мусулмонлар эса келажак авлод-аждодларни унутмаслиги учун бир ёдгорлик қолсин деган аъмонни эсга ҳам олмайдилар. Ҳатто ўз салафларимиз ва буюк одамларимиз қолдирган ёдгорликларни вайрона ва харобга айлантирамиз.***

*Абдурауф* **ФИТРАТ.**

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 24 февраль, шанба № 24 (21.945).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## АБДУРАУФ ФИТРАТ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли адиб ва олим Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитратнинг Ўзбекистон фани ва маданияти тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ва келажак авлодларга ўрнак бўлувчи фуқаролик жасоратини инобатга олиб ҳамда унинг илмий ва адабий меросини халқимизга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» марказининг А. Фитрат таваллудининг 110 йиллигини 1996 йилда мамлакатимизда кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов ҳузурида ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилсин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда ўз тадбирларини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказига тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

— 1996 йилнинг октябрь ойида ЎзФА залида А. Фитрат юбилейи кечасини ўтказиш;

— Тошкентда А. Фитрат ижодига бағишланган илмий конференция ўтказиш;

— А. Фитратнинг 6 жилдли асарлар тўпламини 1996-1998 йиллар давомида нашрга тайёрлаш;

— А. Фитрат ҳаёти ва ижоди бўйича кенг қамровли тадқиқотлар яратиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси А. Фитратнинг 6 жилдли асарларини, у ҳақдаги хотиралар тўплами, рисолалар, плакатларни белгиланган муддатларда нашр этишни режалаштирсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига А. Фитрат юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлиги маблағлари ҳисобига, тегишли идоралар ва ижодий уюшмалар билан биргаликда Бухоро шаҳрида А. Фитрат боғини яратиш, у ерда адибга ёдгорлик ўрнатиш ҳамда адиб яшаган ҳовлида унинг уй-музейини ташкил этиш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Марказий банк ҳузуридаги махсус ишлаб чиқариш корхонаси ва «Шарқ» концерни билан биргаликда А. Фитрат сиймоси акс эттирилган почта маркалари, конвертлар ва открыткалар чиқарсин.

7. Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси А. Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратсин.

8. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига А. Фитратнинг ўзбек халқи маданияти ривожига қўшган ҳиссаси аҳамиятини кенг ёритиш, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум кўрсатувлар, эшиттиришлар ва мақолалар тайёрлаш ҳамда адиб асарлари асосида теле ва видеофильмлар яратиш топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги А. Фитрат юбилейини ўтказиш харажатларининг республика бюджетидан қопланишини назарда тутсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият, таълим ва фан бўлимларига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ПАТРОНАЖ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 декабрдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган ёш авлодни соғломлаштириш дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизими тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикасида, ҳар бир вилоятда ва Тошкент шаҳрида кўчма тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш учун жамғарма маблағлари ҳисобидан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳудудий бўлимларига ҳамда тиббий-ижтимоий марказига 15 та ихтисослаштирилган автоамбулансляр ажратиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси тиббий-ижтимоий ёрдам кўчма бригадаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлансинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тиббий-ижтимоий патронаж бўйича давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучайтириш учун жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раислигида комиссиялар тузсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасига республика бюджетидан ҳамда жамғарманинг ҳудудий бўлимларига маҳаллий бюджет ҳисобидан автоамбулансларга хизмат кўрсатиш ва уларни ишлатиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўчма бригадалари ходимларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини янада ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларнинг ҳар йили ажратилишини назарда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда тиббий-ижтимоий патронаж ходимларини тайёрлашни ташкил этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бир ой муддатда ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимлари республика классификаторига янги «Тиббий-ижтимоий ходим» ихтисосини белгиланган тартибда киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 февраль.



***Бу гиламлар Бахмалнинг кўрки.***

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Кўрик-танлов*

## ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Бу кўрик-танлов республика маданий ҳаётида катта воқеага айланмоқда.

Тошкент вилояти ҳокими қарори билан тузилган ташкилий қўмита ҳамда ҳайъат аъзолари тайёргарлик ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Вилоят кўрик-танлови ҳайъати раиси Э. Солиҳовнинг фикрига қараганда, шаҳар ва туманларда ташкилий масалаларни ҳал қилиш ва амалий ёрдам кўрсатишга 22 нафар бастакор жалб қилинган. Вилоят кўрик-танлови 14 март куни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

*Иқтисодиёт олами*

## СУПЕРМАРКЕТДА МОЛ АЙИРБОШЛАШ

***ТОШКЕНТ.*** *Чиноз туманининг «Олмазор» қўрғонида жойлашган супермаркет магазинида ўзига хос савдо хизмати кўрсатиляпти.*

*Бу ерда деҳқонлар ўзлари етиштирган сабзавот, мева, дон ва сут маҳсулотларини дўкондаги истаган кийим-кечак ёки саноат маҳсулотига айирбошлашлари мумкин. Аксарият жамоа хўжаликлари ўз аъзоларининг ойлик маошларини вақтида беролмай турган бир пайтда дўкондаги бундай савдо хизмати кўпчиликка маъқул келмоқда. Бордию деҳқон ўз маҳсулотини магазинга олиб келиш учун имкон топмаса, туман матлубот ҳиссадорлик жамияти автотранспорт билан ёрдам беради. Ҳозир супермаркетда 460 хил истеъмол моллари мавжуд. Кундалик эҳтиёждаги 8 хил маҳсулот пештахталардан аримайди.*

**Абдунаби МАННОПОВ.**

## ЕТИМЛАР БОШИНИ СИЛАБ

***БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоят давлат суғурта бошқармаси жамоаси етим болаларга ҳиммат кўрсатиб, кўнгли синиқлар дардига малҳам қўйди.***

***Улар Ғиждувондаги 32-мактаб-интернат тарбияланувчилари кўнглини кўтардилар. Суғурта бошқармаси ҳисобидан 166 нафар ўғил-қиз никоҳ суғуртасига ўтказилди. Бу моддий мададнинг ҳар бир бола учун улуши 1000 сўмни ташкил этди. Бундай саховатпешалик кўпчиликни қувонтириб қолмай, етим болалар кўнглига сочилган эзгулик уруғининг вақти келиб самара беришидан нишонадир.***

**Даврон БАҲРОНОВ.**

*Қўнғироқ*

## ШАРТНОМАНИ БУЗГАН КИМ?

### Ёки аёвсиз баҳс ҳамон давом этаётгани ҳақида

Яхши ният ярим давлат дейдилар. Гулистонлик тадбиркор Карим Кенжаев ҳам шу ақидага амал қилиб бундан икки йил бурун деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этди. Унинг саъй-ҳаракатини хўжалик раҳбарияти, туман ҳокимлиги тўла маъқуллаб, зарур ёрдамларни берадиган бўлишди.

Карим Кенжаев асли олий маълумотли агроном. Суяги деҳқончиликда қотган: оддий кетмончидан хўжалик бош агрономигача бўлган вазифаларни адо этган. Айтишларича, қаерда бўлмасин ёмон ишламаган. Фақат битта қусури бор: беҳад муросасиз, кўпнинг ҳақига қўл чўзувчи нопок кишилар билан сира чиқишмайди, улар билан курашгани-курашган. Кўпинча шу «қусури» унга панд беради.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Энди ер олиб, барака уруғи қадайман деб катта ниятлар билан енг шимариб турганида «Янги ҳаёт» хўжалигида вазият ўзгариб қолди: илгариги раҳбар бошқа ишга ўтиб, ўрнига Тоҳир Эркабоев раҳбар бўлиб келди. Очиғи, бу «ўзгариш» Карим Кенжаевнинг тарвузини қўлтиғидан тушириб, шаштини сусайтирди. Чунки илгари у бўлғуси раҳбар билан баъзи масалаларда тортишиб турар, унга бир-икки марта «сабоқ» берган ҳам эди. Шу боисдан янги раҳбарнинг эски рақибига нисбатан тиши йўқ деб ўйлаш соддадиллик бўларди. Шундай бўлсада, янги раҳбар биринчи учрашувда эски гина — кудуратларни унутишга, баҳамжиҳат ишлашга сўз бериб, Карим Кенжаев билан қўл олишди. Аммо сўз бериш бошқаю, иш бошқа экан...

— 1994 йил март ойида хўжалик билан тузилган шартномага кўра ғалладан бўшаган 27 гектар ерга маккажўхори уруғи қададим, — дейди фермер ҳасрат дафтарини варақлаб. — Аввало, хўжаликнинг айби билан уруғ кеч экилди. Шундай бўлсада, яхши ишлов, озиқлантириш, парваришлаш ҳисобига яхшигина ҳосил олиш мумкин эди. Аммо шу тиғиз пайтда раиснинг эски гиналари қўзғолиб кетиб, мендан шахсий ўч олиш, бадном қилиш истаги устун келди, чамаси, шартнома шартларини бажаришни пайсалга сола бошлади. Уғит сўрасам «эрта келинг, индин келинг», деди. Қатор ораларига ишлов бериш учун трактор сўрасам ҳам шу жавобни айтди. Раҳбарга қатнайвериб чарчадим. Хуллас, экилган макка жўхори ўғитсиз, ишловсиз ўсди. Шундай бўлса-да баҳоли қудрат ҳосил тўпланди. Ноябрь ойининг охирида пишиб етилди. Уни ўриб-йиғиб олиш учун комбайн сўраб яна раҳбарга мурожаат этдим. Макка сийрак бўлиб, ҳосили оз бўлсада ўриб олиш керак-ку. Аммо бир неча бор оғзаки ва ёзма равишда мурожаат этишимга қарамай хўжалик раҳбари ёрдам қўлини чўзмади. Оқибатда маккажўхори ҳосили жойида қолиб, нест-нобуд бўлиб кетди. Шу билан бирга қанча меҳнат, уруғ ва фермернинг саъй-ҳаракатлари ҳам зое кетди.

Хўжалик раҳбари Т. Эркабоев пинагини ҳам бузмади. Туман ҳокимлиги эса рўй берган воқеага томошабин бўлди, холос. Ҳолбуки, фермер К. Кенжаев шу масалада ҳокимликка ҳам мурожаат этган эди. Вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси мутахассислари ана шу майдонда 45063 кг. маккажўхори дони, 120 тонна пояси нобуд бўлганини аниқлаб бердилар.

Карим Кенжаев баъзи бўшанг фермерларга ўхшаб андишанинг отини қўрқоқ дейдиганлардан эмас. Шартномани бажармай, фермер хўжалигига катта миқдорда зарар етказгани учун у «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигини судга берди. Вилоят хўжалик суди бу низони кўриб чиқиб, шу йил 22 январда Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидан «Карим Кенжа» номли деҳқон (фермер) хўжалиги ҳисобига 324.150 сўм ундириш юзасидан қарор чиқарди.

Адолат тантана қилибди, энди фермер Карим Кенжаевнинг ишлари юришиб кетгандир, деб ўйларсиз. Афсуски, макка машмашаси хўжалик билан фермер ўртасидаги жанжалнинг бир шингили, холос. Карим Кенжаев маккажўхориси ўрилмай жойида қолиб кетган йилнинг кузида 32 гектар ерга ғалла эккан эди. Қарангки, раис билан ўрталаридаги аёвсиз баҳснинг касри шу ғаллага ҳам урди. Аввало, хўжалик минерал ўғит бермагани сабабли ҳосил кам бўлди. Устига-устак вақтида ўриб-янчиб олиш учун комбайн берилмагани оқибатида бор ҳосил ҳам тўкилиб, баракаси учди. Фақат туман ҳокимининг аралашуви билан август ойи охирида ғалла ўриб олинди. Қарийб уч ой ўрилмай турган ғаллазорнинг 10 гектарини ёввойи ўт босиб кетиб, ўришнинг иложи бўлмади. Бошқа қисми ётиб қолиб, тўкилиб-сочилиб гектаридан аранг 8 центнердан дон олинди.

— Агар шартномага биноан хўжалик ўз вақтида ўғит, техника берганида эди ўша йили лоақал тумандаги ўртача ҳосилдорлик даражасида дон етиштирганимда ҳам қарийб 100 тонна буғдой олардим, — дейди фермер афсус билан. — Бу ҳам майли, қарамоғимда 3014 бош парранда, 502 бош қуён бор эди. Шу жониворлар ҳам бемаъни баҳснинг қурбони бўлишди. Хўжалик уларни боқиш учун ем бермади. Оқибатда 2500 та парранда, қуёнларнинг бари очликдан ўлди...

Фермернинг арзи ҳолини тинглар эканман, наҳотки Гулистондек туманда ночор аҳволга тушиб қолган фермерга ёрдам қўлини чўзадиган мард, унинг манфаатини ҳимоя қиладиган идора топилмабди-да, деб ҳайрон қоламан. Хўжалик бошқаруви идорасида, туман ҳокимлигида, агросаноат уюшмасида ҳатто вилоят прокуратурасида Карим Кенжаевнинг аризалари бор экан. Негадир жавоб қайтаришга шошилишмаяпти. Ёки худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртиб ўтади, дегани шуми?

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Фермер Карим Кенжаев ҳам шартномани менсимаган хўжалик ва унинг кек сақлайдиган раҳбари Т. Эркабоевнинг (яқинда у ўз вазифасидан бўшабди) тазйиқларидан қаттиқ азият чекди, бор-будидан айрилди, синиш даражасига етди, бироқ синмади, иродасининг сақлаб қолди.

Баҳор эшик қоқаяпти. Деҳқоннинг ичи ғимирлаб, даласини қўмсаб қолди. Карим Кенжаев ҳам бу йил янги ниятлар билан далага чиқади. Бироқ бултур бой берган хирмонлари, паррандаю қуёнлари тинчлик бермаяпти. Ахир мол аччиғи — жон аччиғи дейдилар. Шу боисдан у яна суд идорасига қатнаб юрибди. Энди у ўрилмай тўкилиб кетган буғдойлари-ю, жўжалигида ўлган товуқларнинг тухумлари, ҳаром қотган қуёнларининг гўшти учун «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидан товон талаб қиляпти. Билмадик, унинг бу даъвосини суд инобатга олармикин? Агар олса, жамоа хўжалигининг ҳолига вой, дейверинг!

**Норбобо ШАКАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

